

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМЛИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН
ИНСТИТУТИ

САНЪАТШУНОСЛИК ФАКУЛЬТЕТИ
МУЗЕЙШУНОСЛИК ЙЎНАЛИШИ

Мавзу: **Америка Қўшма Штатларида
музейлар қурилиши**

катта ўқитувчи Муҳамедова М.

ТОШКЕНТ – 2012

РЕЖА:

Кириш.....	2 - 4
Асосий қисм:.	
1. Музейларнинг пайдо бўлиши.....	4 - 6
2. Чикагодаги санъат институти.....	6 - 8
3. Нью-Йоркдаги Метрополитен музейи.....	8 - 12
4. Филадельфия санъат музейи.....	12 - 14
5. Бостондаги нафис санъат музейи.....	14 - 17
6. Чарлстон уй-музейи.....	17 - 19
Хулоса.....	19 - 23

Кириш

Музей (грекча - музалар уйи) – тарихий, моддий ва маънавий маданият намуналарини сақловчи, тўпловчи, ўрганувчи ва намоиш этувчи ташкилотдир.

Ҳозирги кунда “Музей” сўзининг бир қатор тушунчалари мавжуд бўлиб, маълум даражада бу феноменнинг мураккаблигини англатади. XX аср инсониятга янги типдаги музейларни тақдим этди. Энди предметларни нафақат сақлаш ва экспозицияга қўйиш, балки уларга хос атроф-муҳитни, турли тарихий-маданий жараёнларнинг лавҳаларини, инсон фаолиятининг турларини кўрсатиш вақти келганлиги англанди. Очiq осмон остидаги музейлар пайдо бўлди, уларнинг асосини предметларни анъанавий коллекцияси эмас, балки ўзининг табиий атроф муҳитида намоиш этиладиган, халқ турмушини акс эттирувчи меъморий ёдгорликлар ташкил этди. Шунингдек, асл нусхадаги предметларни эмас, уларнинг копияларини намоиш этувчи мезейлар ҳам пайдо бўлди.

“Музей” тушунчасининг кўп қирралигига яна бир сабаб, назарий музейшуносликнинг ривожланиши ва мутахассисларнинг турли тадқиқотчилик ёндашуви, ҳамда мақсад вазифаларнинг ҳар хиллигидир. Сўров характериға эға бўлган нашлада мезейлар асосан илмий-тадқиқот ва маданий - маърифий муассаса сифатида изоҳланади ва уларнинг ижтимоий функцияларига мос тарзда комплекташ, ҳисобға олиш, сақлов, маданий, тарихий ёдгорликларни тарғиб этиш ва ўрганиш ишларини олиб боради деб ёзилган.

Халқаро амалиётда асосан, Музейларнинг Халқаро кенгаши (ИКОМ) томонидан ишлаб чиқилган қонундан фойдаланилади. Бу эса ўз навбатида 1974 йилги Уставға ҳам киритилган. Ўзгаришлар киритилган ушбу Уставнинг охириги вариантыда (яъни 1995 йил) қуйидагилар таъкидланади: “Музей - бу доимий, савдо ташкилоти бўлмаган муассасадир, у жамият учун хизмат қилади ва одамлар учун очикдир. Музей экспонатларни тўплайди, сақлайди, ўрганади, тарғиб қилади ва экспозицияға қўяди”. Мазкур тушунча

узоқ ривожланиш йўлини босиб ўтди, лекин кўп масалалар ечилмай қолди. Масалан, ботаника боғлари зоопаркларни ҳам музей деб ҳисоблаш мумкинми? Ахир улар табиатнинг флора ва фауна дунёсини коллекцияларига эга, уларнинг сақланиб қолишини таъминлайди, ўрганади, намоиш қилади, шу билан бир қаторда омманинг дам олиш борасидаги талабларини қондиради. Лекин бу коллекциялар табиатнинг ўлик эмас, жонли намуналардан ташкил топган.

Шунга ўхшаш саволлар туғилганда мутахассисларнинг фикрлари бўлинади. Бирлари “музей” деб фақат анъанавий типдаги илмий, тарихий ёки коллекцияларда ўз фаолиятини асослайдиган муассасаларга айтилади деб ҳисоблайди. Шунинг учун улар зоология ва ботаника боғлари, кўплаб илмий музейлар, табиий ва тарихий ёдгорликларни музей деб ҳисоблашмайди. Бошқа музейшунослар эса, маданий меросга нисбатан музей характери ва ролини кенгроқ изоҳлайдилар. Улар инсон атрофидаги барча табиий, маданий, ижтимоий муҳит мезейга хос деб биладилар. Мазкур фикрларни инобатга олган ҳолда, барча ботаника боғлари, зоопаркларни, табиий ва тарихий ёдгорликларни ИКОМ ўзига аъзо қилиб олган. Музей жамиятга хизмат қилиши лозим ва уни ривожлантириши керак деган фикрларни ҳам мутахассислар бир овоздан маъқулламайдилар. Жамият қизиқишини нимадан иборатлигини ким қандай мезонлар асосида белгилайди? Ахир жамиятдаги турли гуруҳларнинг қизиқиши ва талаби бир хил эмаску. Музейлар ким учун фаолият кўрсатади? Жамият равнақи ва илмий прогресс унинг ишлаётган олимлари учун ёки кенг омманинг, эстетик ва таълим талабларини қондириш учунми? Мисол келтирилган зиддиятли саволлар турли мамлакатларнинг мутахассислари томонидан (музейшунослар, файласуфлар, социологлар, тарихчилар, санъатшунослар ҳам шулар жумласидандир) музей атрофида юз йиллар мабойнида муҳокама қилиниб келинган. Улар шунга гувоҳлик беришадики, музей – бу жуда мураккаб феномен ва унга бахс музокарасиз ва ҳаммага маълум бўладиган аниқлик киритиб бўлмайди. “Музей” тушунчасининг талқинига нисбатан назарий

музейшуносликда ҳам турлича ёндошилади, лекин кўпчилик тадқиқотчилар музейнинг бажарадиган функцияларига кўра уни ижтимоий институт деб ҳисоблайдилар.

1. Музейларнинг пайдо бўлиши

“Музей”, мусейон сўзи инсон маданиятига икки ярим минг йил илгари, яъни антик даврда кириб келди. Лекин унинг маъноси ҳозирги музей тушунчасидан анча бошқачароқ эди. Қадимги Юнонистонда “Мусейон” деб маъбудалар шаънига эъзозланадиган масканларни айтганлар. Бу масканлар табиатнинг гўзал жойларида, тоғ этакларида, дарё ва кўл бўйларида, боғу-роғларда жойлашган бўларди. Шунингдек мусейонлар ибодатхона вазифасини ҳам ўтаган. Юнон пантеонига тўққизта муза кирган. Шулардан иккитаси, яъни Клио-тарих, Урания-астрономия маъбудалари бўлиб, қолганлари инсонларга санъат тақдим этган: Мельпомена-трагедия, Талия-комедия, Терпсихора-рақс, Эрато-муҳаббат кўшиқлари, Каллиопа-эпик шеърят, Полигимия-диний кўшиқлар, Эвтерпа-лирик шеърят маъбудалари ҳисобланган. Қадимги антик Юнонистонда кўпхудолик дини ҳукм сургани учун ҳамма нарсани ўз маъбудаси бўлган. Олдинлари маъбудалар худонинг вакиллари ҳисобланган. Кейинчалик илм-фан ва санъатга хомий худолар деган тушунча пайдо бўлган.

Мусейонларда кўпинча шоирлар, файласуфлар, санъат усталари йиғилишар, гўзал маъбуда ҳайкаллари уларга илҳом бағишлар эди. Бу ерда шеърят кечалари ҳам бўлиб ўтар ва ҳақиқий адабиёт-шеърят марказига айланган эди.

Мусейонларнинг фалсафага ҳам аҳамияти катта бўлган. Эрамиздан аввалги IV асрда Пифагор мактаби ҳам мусейон деб аталган. Бу ерда маъбудалар ҳайкаллари жойлашган бўлиб, уларни илм-фанга хомийлик қилишларига ишониб, катта эҳтиром билдиришган. Бундай мусейонлардан бири эрамиздан олдинги 385 йили Платон мактабида ташкил қилинган ва дин билан бирга илмий-фалсафий фанларга ҳам хизмат қилган. Фанлар

Академияси талабалари орасидан, мусейонга хизмат қилиш учун ҳар ойда битта хизматчи тайинланган.

Мусейон буюк олим Аристотел мактабида ҳам мавжуд бўлган эди ва илм-фаннинг ривожига таъсир кўрсатган.

Александрия мусейонида ҳар хил даврларда кўп олимлар ишлаб, изланишлар олиб боришган. Шундай бўлса-да, фанда бу тўғрида деярли ашъвий маълумотлар йўқ.

Археолог олимлар ҳам Александрия шаҳрида қазилма ишлари олиб бориб, мусейонга тааллуқли ҳеч нима топа олишмаган.

Мусейон ташкил қилингандан 300 йил кейин, географ олим Страбон томонидан ёзилган, ёзма маълумот бизгача етиб келган. Страбоннинг ҳикоя қилишича, шаҳарнинг тўртдан бир қисмини подшонинг қароргоҳлари ташкил қилган бўлиб, Мусейон эса уларга қўшилиб кетган. Мусейоннинг ичида жуда катта кутубхона, лабороториялар, дам олиш хоналари кабилар мавжуд бўлган. Мусейонга раҳбарлик қилиш учун, подшо олимлар орасидан кохин тайинлар экан. Кохин диний амалларни бажариш билан бирга, илм-фан бўйича ташкилий ишларни амалга оширган.

Юнон маданиятининг давомчилари - Римликлар ўз лексикасига “мусейон” терминини киритишди ва лотин таржимасида музеум шаклида жаранглади. Шу билан бирга, римликлар бу сўзга ўзгартириш киритиб, янгича маъно беришди. Музеум – музей сўзлари пайдо бўлиб, Рим зиёли зодагонлари, шаҳар ташқарисидаги виллаларини “музей” деб атаёт бошлашган. Улар гўзал табиат қўйнида, ўзига хос меъморий услубда қурилган бўлиб, уларнинг интерьерлари хайкаллар ва суратлар билан безатилган ажойиб дам олиш масканига айланган. Бу ерда шоирлар, файласуфлар йиғилиб, бахс-мунозаралар уюштирганлар ва улар учун ҳамма шарт-шароитлар мавжуд бўлган.

Ўрта асрларга келиб, инсоният тарихида мисли кўрилмаган кескин ўзгаришлар пайдо бўлди, кўп ҳудоилик ўрнига яқка ҳудоилик – Христиан дини кириб келди. Жамиятда кўплаб сиёсий-иқтисодий ўзгаришлар рўй

берди. Кучли империялар емирилиб, янгилар пайдо бўлди. Натижада мусейон ибораси йўқолиб кетди. Фақатгина Уйғониш даврига келиб бу сўз қайта тикланди, лекин унинг маъноси бутунлай ўзгарди. Энди бу ибора тарих ва маданиятнинг нодир дурдоналари сақланадиган жойларга нисбатан қўлланила бошланди. Италияда вужудга келган “Уйғониш” даври, музейларга янги ҳаёт бағишлади. Бу даврга келиб, инсоният ҳуқуқларида тенглик вужудга келди. Инсон ақл-идрокини тарғибот қилиш зарурияти туғилди. Бу даврларда музейлар ёпик кабинетларда жойлаштирилган бўлиб, кичик доирадаги одамлар учунгина хизмат қилган. Бизгача етиб келган ёзма маълумотларга қараганда, “Музей” атамаси XV асрда амалда қўлланила бошланган.

Европадаги биринчи пайдо бўлган музейлар, жамиятда бўлаётган ёки бўлган соҳаларни ўз экспозициясида қамраб оларди. Битта музейни ўзида, илм-фан, санъат ва инсон қўли билан яратилган бошқа ноёб нарсаларни кўришимиз мумкин эди. Фан тараққиётининг ривожланиши натижасида фан соҳалари, алоҳида фан сифатида ажралиб чиқа бошлади. Ўз замонасининг энг гўзал намунаси ҳисобланган, XVII асрда Веронада Сципион Маффей томонидан яратилган ихтисослашган эпиграфика музейи алоҳида эътиборга сазовордир. Коллекционер Маффей, кўплаб тарихий ашёлар орасидан фақат қадимий ёзувларни танлади ва ўз музейини кенг халқ оммаси учун очиқ деб эълон қилди. Маффейнинг коллекционерлик фаолияти ўша давр учун ягона эди. Фақат XVIII-XIX асрларга келибгина Европада ихтисослашган музейлар пайдо бўла бошлади. Фан соҳаларининг кўпайиб бориши, ноёб буюмларни тўпланишига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади. Бунга Петербург Кунсткамераси яққол мисол бўлиши мумкин. Петербург кунсткамераси экспозицияси олдинлари кўпқиррали нодир буюмлар мажмуасидан иборат бўлган бўлса, кейинчалик замон ўзгариши билан айрим мустақил соҳаларга бўлина бошлади. Бу жараён XIX асрнинг бошларида бошланган эди Кунсткамерада янги кабинетлар пайдо бўлди ва улар академик музейларни ташкил бўлишига асос бўлди. Менералогия музейи, Ботаника, Зоология,

Этнография, Осиё, Миср, нумизматика музейи, анатомия музейлари шулар жумласидандир. 1836 йилга келиб бу айрим соҳалардаги музейлар шаклланиб бўлди ва ҳар бир музей учун мутахассис ходимлар ва маблағ ажратилди. Шу билан бирга бадиий музейлар ҳам кўпайиб ривожлана бошлади. XIX аср бадиий музейларининг гуллаб яшнаган даври десак, муболаға бўлмайди.

XIX асрнинг биринчи ярмидан бошлаб Европада кўплаб бадиий музейлар кенг халқ оммаси учун ўз эшикларини очган эди. Бу музей экспонатлари бир пайтлари ҳукмдорлар, подшолар томонидан йиғилган бўлиб уларнинг дидигагина жавоб берган бўлса, кейинчалик кўплаб инсонларнинг эстетик талабларига жавоб бера оладиган экспонатлар билан бойитилди.

Кўпқиррали музейларнинг тўпламлари асосида ихтисослашган музейлар ҳам шакллана бошлади. Ихтисослашган музейларга Лондон Миллий галереясини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. XIX аср Европа халқлари орасида, ўзлари яшаб турган она Ватанлари санъатига қизиқиши кучайиб борди. Парижнинг Люксембург саройида, француз замонавий мўйқалам усталарининг экспозицияси очилди. 1853 йили Мюнхен шаҳридаги музейда замонавий немис рассомларининг асарлари томошабинларга манзур бўлди. 1876 йилда немис рассомларининг Берлинда Миллий музейи қад кўтарди.

XIX аср охирлари Россия империясида музейшунослик ривожланганлигини кўрамиз. Россиянинг иккала катта шаҳарлари Санкт-Петербург ва Москвада кўплаб санъат шайдолари, нодир буюмлар тўпловчи – меценатлар пайдо бўлди. Булардан энг буюги, савдогар Павел Михайлович Третьяковдир (1832-1898). Унинг Москва шаҳар мулкига тақдим этган коллекцияси асосида, жаҳонга машҳур Третьяков галереяси 1893 йили ташкил этилди. XIX асрнинг II чи ярмида пайдо бўлган “Сайёр рассомлар” деб номланган прогрессив рус рассомлари жамоасига ҳам Третьяков катта ёрдам қилди ва улар тарихда ўчмас из қолдирдилар.

XIX асрнинг иккинчи ярмида декоратив амалий санъат ва дизайн асарларига ихтисослашган музейлар Европада кўпая бошлади. 1863 йил Венада санъат ва саноат музейи, 1867 йили Берлинда амалий санъат музейи, 1877 йили Майндаги-Франфурт шаҳрида амалий санъат музейи, 1882 йили Парижда декоратив санъат музейи, 1885 йили Россияда ташкил этилган савдо ва санъат музейлари шулар жумласидандир.

XX асрнинг бошларида, замонавий санъат асарлари музейларига ҳам кизиқиш орта борди. 1930 йилларга келиб, Европанинг ўн тўртта шаҳрида замонавий музейлар фаолият кўрсатаётган эди. Мазкур музейларда француз импрессионистларидан-Ренуар, Тулуз-Лотрек, Клод Моне, Сёра ва бошқа рассомларнинг асарлари ўрин олди.

2. Чикагодаги санъат институти.

SAIS - бу АҚШларидаги санъат соҳасидаги энг машҳур ўқув даргоҳидир. У 1866 йилда Чикаго дизайн академияси сифатида ташкил этилган. 1879 йилда нафис санъат Академиясига, 1882 йилда “Чикаго санъат институтига” айлантирилган. 1893 йилда музей ва мактаб Worlds Colimbian Expozition учун лойиҳалаштирилган ва қурилган бинога кўчиб ўтди. Ҳозирги кунда мактаб чикаго санъат институти (School of the Art Institute of Chicago - SAIS) деб аталган. Санъат институти музей ва мактаб сифатида ташкил этилган бўлиб, Монро кўчасининг бурчагида жойлашган. Ҳозирги кунда Мичиган авеньюда жойлашган замонавий санъат коллекциясининг тез бойиб бориши ва кўплаб кўчма кўرғазмаларнинг ташкил этилиши 1988 йилда янги бинонинг қурилишига сабаб бўлди. Музей фонди ҳозирги кунда санъат соҳасидаги инсон фаолиятининг 5000 йиллик тарихини акс эттиради. 1990 йилда институт янги Осиё коллекцияси учун янги галереялар комплексини қурдирди. Бу ерда таниқли архитектор Тадао Андо япон экранлари галереясини ишлаб чиқди.

1993 йилда тўлиқ таъмирланган Крафт-марказ талабалар, ўқитувчилар учун очилди. Санъат институти импрессионизм ва постимпрессионизмнинг

энг бой коллекцияларига эга. Шунингдек, музейда Осиё, Европа ва Американинг замонавий санъати намуналари кўрсатилган. Музей коллекциясида 260 мингдан ортиқ санъат асарлари сақланади. Масалан музейда Клод Маненинг 30 дан ортиқ асарлари сақланади. Музей кўргазмаларида Пьер Огюст Ремар, Анри Матис, Сизанн, Винсент ван Гог, Пабло Пикассо, Эдуард Мане каби классикларнинг асарлари намоёништирилади.

Институтда бутун дунёдан 3200 дан ортиқ талабалар бакалаврият, магистратурада рассом, дизайнер ва олимларни тайёрлайди. Институтда замонамизнинг энг машхур санъат намоёндалари дарс ўтадилар. SAIS – ўз талабаларига кўргазмалар, лекциялар уюштириш учун энг замонавий услубларни таъминлайди. У ерда ўқиш учун шахсий порфолио тақдим этилади. Унда CD ва DVD дискларда санъат намуналари (картиналар, расмлар, ҳайкаллар ва б.) тақдим этилади. Тасвир ва презентациялар Power Pointда ҳам жайлаштирилиши мумкин. Порфолионинг ҳар бир қисми ҳақида иахсус варақ бўлиб, унда исми, ўлчам, сана файл типиди кўрсатилиши керак. Ҳар бир дискда сизнинг номингиз, манзилингиз ва телефон рақамингиз ёзилган бўлиши керак. Талабаларга ўқитувчиларнинг бири иштирокида ёпиқ муҳокама ўтказилиши мумкин. Бу машғулотлар талабаларга ўз қобилиятларини баҳолашда ҳамда танлаган мутахассислигини яхши билишда катта ёрдам беради. Молиявий муаммолари бўлган талабаларга Smit стипендияси тўланади. Бунинг учун талаба махсус регистрация варағини тўлдириши керак бўлади.

3. Нью-Йоркдаги Метрополитен музейи.

Нью-Йорк халқи ўзининг машхур Метрополитен музейини “Миллий хазинамиз”, “Миллий фахримиз”-деб аташади. Ҳақиқатдан ҳам, Америка музейлари орасида Метрополитен санъат музейи ўзининг бой экспонатлари ва катта майдони билан алоҳида ажралиб туради. Нью-Йорк бадий музейини ташкил этиш масаласи 1964 йилда рпайдо бўлди. Музей 1870 йилнинг 13

апрелида ташкил топган. Музей Метрополитен деб номланди – у мамлакатнинг энг йирик шахрида жойлашган бўлиб, санъатнинг ривожланиш тарихини кўрсатиши керак эди. Музей ташкил топиши декларациясида, музейда нафақат, рангтасвир ва ҳайкалтарошлик санъати ишлари, балки гравюра, фотосуратлар, меъморчилик моделлари, тарихий шахслар портретлари, ҳамда амалий санъат ва ҳунармандчилик ишлари сақланиши ёзилган эди. 1880 йилнинг мартада музейнинг очилиш маросими бўлди. Музей биноси Колвер Во ва Рей Маул каби архитекторларнинг лойиҳаси асосида Марказий паркнинг шарқий томонида, 79 ва 84 кўчалар ўртасида қурилган. Ҳозирги кунда бионинг дастлабки кўриниши кейинчалик қурилган бинолар ичида қолиб кетган. 1888 йилда жануб томондан корпус ва янги бино кириш томони қурилган, 1894 йилда шимолий томон очилган. 1902 йилда шарқий томондан неоклассик услубда бино қурилган. Америкалик хомийлар, банкирлар ва коллекционерлар ёрдамида музей ашёлар билан бойий бошлади. 1887 йилда Кетрин Лорилард Вулф (1828-1887) музейга замонавий рассомларнинг 143 та картинасини ва пул маблағини васият қилади. Бу пулга О.Ренуарнинг “Мадам Шарпанте болалари билан” (1879), Ф.Гоянинг “Буқалар ови”, Э.Делакуранинг “Ребеканинг ўғирланиши” (1846), О.Донунинг “Дон Кихот” асарлари сотиб олинди. 1889 йилда Эрвин Деллис америка музейларида биринчи бўлиб импрессионистларнинг картинасини совға қилди. Бу Э.Моненинг “Тўтиқушли аёл” (1866) картинаси эди. XX асрнинг бошида музей рандтасвирнинг бой ва хилма-хил асарлари коллекциясига эга бўлган. Баъзида совға берувчининг ихтиёрига кўра коллекциянинг санъат турларига бўлиниши бузилган. Масалан, 1914 йилда Бенжамин Алтман (1840-1913) васиятига кўра турли характердаги коллекциялар келиб бушган. Улар унинг васиятига бўйича бир бутун коллекция сифатида кўрсатилиши керак эди. Алтман коллекциясига кирувчи шарқ гиламлари, Уйғониш даври ҳайкаллари, хитой чинниси, шунингдек, Дюрер, Рембрандт, Тициан, Вероооо, Веласкес, Вернер картиналари бирга номойиш этилади. 1902 йилда эса қуриш ишлари якунланди. Қурилиш жараёнининг узоқ давом этганига қарамай, музей ўзининг захирасини тўлдириб борди. Музейга Дания ва Фломанд рассомларининг 174 га яқин

асарлари, Кипрнинг собиқ консули ди Сеснол томонидан совға қилинди. Шунингдек, ди Сеснол Кипр санъати ёдгорликларини ҳам тақдим этди. Шу тариқа музейда Кипр маданияти ёдгорликлари пайдо бўлди. Музейда европа рассомлари асарлари, XX асрнинг бошларидан кўпая бошлади. 1917 йилда музейга Дж. П. Морган ва унинг ўғли томонидан 5500 дан ортиқ турли ашёлар топширилди. Морганнинг ўзи музейга йигирма йил мобайнида турли ашёларни совға қилиб турди. Шу йили Айзек Д.Флетчернинг картиналар, расмлар ва амалий санъат намуналаридан иборат коллекцияси музейга топширилди. Музей коллекциясининг шаклланишида Г.О.Хевмейрнинг (1847-1907) беваси 1929 йилда совға қилган картиналар ҳам муҳим ўрин тутди. Бу коллекцияда Е.Мане, Е.Дега, Эл Греко, Ф.Гоя асарлари бор эди. Шунингдек, музейга М. Голденберг томонидан Гостав Курбе асарлари совға қилинган эди. 1937-1940 йилларда Гарри Рейн Бингем музейга иккита картина совға қилади. Булар П.П. Рубенснинг “Венера ва Адонис” (1638) ва Г.Курбенинг “Қишлоқ ойимчалари” (1852) деб номланган асарлари эди. Музейнинг қадимги Миср, қадимги грек ва рим санъати намуналари тўлиқ коллекциясига, Яқин Шарқ маданияти ва санъатининг катта коллекциясига эга. Ислом санъати тўплами дунёдаги энг йирик тўпландир. Узоқ шарқ санъати тўпламида айниқса Хитой санъати тўлиқ кўрсатилган. Америка, Африка ва Тинч океани ороллариининг қадимги цивилизацияси жуда яхши кўрсатилган. Музейга тегишли бўлган Ғарбий Европа санъати – Европадан ташқаридаги энг йирик тўпландир. Бетакрор картиналар галереяси ўрта аср ҳайкалтарошлиги ва архитектураси, гравюра, расм, кийим, музика асбоблари ва амалий санъатнинг Уйғониш давридан XX асргача бўлган намуналари билан ёнма-ён туради. Қўшма Штатлар санъати коллекцияси – мамлакатдаги энг бой коллекциядир. У колониал даврдан ҳозирги кунгача бўлган америка рангтасвирининг энг машҳур намуналарини, шунингдек, гравюра, расм, амалий санъат ва архитектурани ўз ичига олади. 1929 йилда Нью-Йоркда Замонавий санъат музейи ташкил этилди, шунга қарамайдан Метрополитен музейи замонавий санъатнинг энг яхши намуналарини сотиб

олишни ва кўргазмалар ўтказишни давом эттирди. Булар рангтасвир ва расм, чинни ва амалий санъат намуналари эди.

1938 йилда кичик Жон Рокфеллернинг маблағига Клятр биноси – музейнинг филиали курилади. У ўрта аср Европа санъати асарларини ўз ичига олади. 1950-60 йилларда либос институти музейи, янги илмий кутубхона, АҚШ санъати ҳақидаги китоблар сақланадиган жой очилади. 1980 йилда XX аср Европа рангтасвир санъати асарлари учун 2400 кв.метрлик галерея курилди. 1984 йилда хусусий уй шаклида курилган бинода Уйғониш даври рангтасвир асарлари, итальян бронзаси, француз усталари мебеллари, немис чинниси кўргазмаси очилди.

Ҳозирги кунда музейда 3 млн. асар сақланади. Уларнинг 700000 таси ҳар йили бошқа ташкилотларга вақтинча фойдаланиш учун берилади. Музей тез-тез кўчма кўргазмалар уюштириб туради, рассомларнинг машҳур асарлари АҚШ нинг бошқа музейларида йиллар давомида кўргазмага қўйилади. Шу билан бирга музейда йирик нашриёт ҳам фаолият юритади. У чиқарган китоблар сифатлилиги билан кўплаб миждозларнинг келишига туртки бўлмоқда. Бунинг оқибатида музейга бир ярим миллион доллар миқдорида фойда келтирмоқда. Музейда томошабинлар учун барча шароит яратилган, экскурсиялар деярли барча тилларда олиб борилади.

4. Филадельфия санъат музейи

Филадельфия санъат музейи – бу Пенсильвания (АҚШ) штатида рўйхатдан ўтказилган нотижорат ташкилотдир. У давлат ва хусусий ҳомийлик ёрдамлари, турли грантлар ҳисобига фаолият юритади. Филадельфия санъат музейи – дунёдаги энг яхши санъат музейи ҳисобланади. 125 йиллик фаолияти давомида унинг хазинасида 225 мингдан ортиқ санъат асарлари тўпланган. Музейда ташкил этиладиган кўргазмалардан ташқари ўқитиш дастури ҳам мавжуд. Филадельфия санъат музейи – Роден ва бошқа бир нечта музейларни бирлаштиради. Дастлаб музей Мемориал-холлда жойлашган. Музей чеккада жойлашганлиги унга

томошабинлар келишини қийинлаштирган. Шунинг учун 1919 йилда музейнинг янги биноси қурила бошланди. 1928 йилда фурилиш ишлари тугалланди. Унинг дилайни “неогрек” услубида ишланган бўлиб, муаллифи Хорас Трумбанер ва “Zantzinger, Borie and Medari” фирмаси бўлган. Бинонинг фасади долматдан ишланган., фронтон қисми грек худоларининг ҳайкаллари билан безатилган. Улар Пол Зинмей томонидан ишланган. Шунингдек, бу ерда 1970 йилда музейнинг тимсоли этиб белгиланган грифонларни қўриш мумкин. Музейда 2000 йиллик тарихни ўз ичига оловчи санъат асарлари борлигига қарамасдан, улар орасида миср, рим ва колумбгача бўлган санъат асарлари коллекцияси йўқ. Музей Пенсильвания Университети билан яқин алоқада бўлиб, университет музейга хитой чинниси коллекциясини ва рим, миср тарихига оид санъат асарларининг катта қисмини берган. Ҳар йили музейда 15-20 та махсус кўргазма ташкил этилади. Кўргазмаларга 800 дан ортиқ томошабин ташриф буюради. Музейда ташкил этилган энг машҳур кўргазмалар бу 1996 йилда ташкил этилган Пол Сезанн (548 минг томошабин ташриф буюрган) ва 2005 йилда ташкил этилган Салвадор Дали (370 минг томошабин ташриф буюрган) кўргазмаларидир. Шунингдек, музейда ҳайкалтарошлик, декоратив-амалий санъат, рангтасвир асарлари дурдоналарининг кўргазмалари ташкил этилади. Музей мамлакатдаги энг бой бадиий коллекцияларга эга бўлиб, Америкада йириклиги бўйича учинчи ўринда туради. Унда эрамининг биринчи асрдан бошлаб ғарбий дунёга тегишли бўлган ашёлар намойиш этилади. Осиёга доир экспонатлар мил.ав.3 минг йиллика доир ашёлардан юошлаб кўрсатилган. Европа коллекцияси ўрта асрлардан ҳозирги кунгача бўлган рангтасвир намуналаридан иборат. Коллекцияда итальян ва фламанд Уйғониш даври рассомларининг асарлари, шунингдек, европа рангтасвир асарлари намуналари ўрин олган. Бу ерда француз импрессионистлари ва постимпрессионистлари асарлари, ҳайкаллар, айниқса Роден асарлари сақланади. Музей декоратив-амалий санъат намуналари, гобеленлар, мебеллар, шунингдек, дунёда иккинчи ўринда турувчи қурол-аслаҳалар

коллекциясига ҳам эга. Бу ерда XVIII-XIX аср мебеллари, кумуш ва сорол буюмлар сақланади. Бу ерда сақланадиган Америка рангтасвир асарлари ва ҳайкаллари АҚШда энг яхши коллекция ҳисобланади.

Филадельфия санъат музейи дунёда пенсильвания немислари асарлари, мебеллар ва XIX-XX аср кумуш буюмлари билан машҳурдир. Музейда Пенсильваниянинг таниқли рассоми Томас Икинс асарлари коллекцияси сақланади. Осиё коллецияси Хитой, Япония, Ҳиндистондан олиб келинган картина ва ҳайкаллар, мебеллар, сорол, декоратив-амалий санъат намуналари билан кўрсатилган. Музейда эрон ва турк гиламларининг ноёб коллекцияси сақланади. 2006 йилда музейнинг кенгайтирилиши ҳақида эълон қилинди. Майдони 7400 кв.метр бўлган ер ости галереясини қуриш режалаштирилган. Бу қурилиш 500 млн. долларга ауланади.

Филадельфиядаги энг машҳур музейлардан бири Мюттер медицина тарихи музейидир. Бу музей медицина патологияси, қадимий медицина ускуналари ва биологик экспонатлар музейидир. Бу музейдаги медицина адабиётлари, биринчи навбатда бўлажак медиклар учун мўлжалланган.

Пенсильвания университетининг архитектура ва антропология музейи Филадельфиядаги яна бир машҳур музейлардандир. XX асрнинг бошидаёқ музей Африка, Шарқий Осиё ва Лотин Америкасига экспедициялар ташкил этади. Бу экспедициялардан олиб келинган экспонатла музейнинг асосини ташкил этган.

5. Бостондаги нафис санъат музейи

Бостон аҳолиси шаҳар ҳудудида жойлашган бой коллекцияли музейлар билан фахрланади. Аммо бу шаҳарда бир музей бор, бу музейни бостонликлар шаҳарнинг энг ноёб мулки деб ҳисоблайдилар. Бу тасвирий санъат музейидир. Бу бежиз эмас албатта, чунки бу музейнинг экспонатлари бутун дунё бўйлаб тўпланган. Вақт ўтиши билан бу ердаги коллекциялар шундай бойиб кетдики, уларга алоҳида бинолар талаб қилинар эди. Бу музейни яратиш учун Атенеумдан фойдаланишга қарор қилинди. Музейнинг

Ўзи 1870 йилда қурила бошланди. Бинонинг бир қисми олти йилдан кейин қуриб битказилди ва шу қисми томошабинлар учун очилди. Шунини таъкидлаш жоизки, қуриш учун шаҳардаги энг яхши жой танланган эди. 1890 йилда музей тўлиқ очилди. Вақт ўтиши билан музей коллекциялари бойиб борди, бу эса ўз-ўзидан янги-янги биноларни қуришни талаб қилар эди. 1909 йилда музейнинг яна бир биноси очилди, лекин уни ҳам ҳали давом эттириш керак эди. Айнан шу сабабли ҳам 1925 йилда нафис санъат музейи ўз ишини тўлиқ бошлади. Ҳозирги кунда музей биносида бадиий санъатга доир турли хилдаги асарлар сақланади, улар ичида Америкага шарқ ва ғарбнинг турли давлатларидан олиб келинган турли санъат асарлари намуналари ҳам бор. Бу музей коллекциясида миллиондан ортиқ экспонатлар бор бўлиб, уларнингичида картиналар, амалий санъат намуналари бор. Бундан ташқари Бостон музейи дунёдаги халқларнинг санъати ва маданиятини ўрганиш маркази ҳамдир. Шунинг учун ҳам бу музей нафақат шаҳар меҳмонлари орасида, балки шаҳар аҳолиси орасида ҳам жуда ҳам машҳурдир. Музей коллекциясининг асоси Бостон Атенеуми картиналар галереяси бўлиб, у шаҳардаги энг йирик кутубхона эди. Музейнинг энг биричи экспонати 1870 йилда америка rassоми Вашингтон Олстоннинг “Илья саҳрода” асари бўлган. Биринчи йилларда музей коллекцияси айнан америка санъат асарлари намуналари билан бойитилган. Музей бу экспонатларни ё сотиб олган, ё совға сифатида қабул қилган.

Музейнинг неоклассицизм услубидаги янги биноси 1907-1909 йилларда америка архитектураси Гай Лауелл (1870-1927) лойиҳаси асосида қурилган. Картиналар галереяси жойлашган қисми 1915 йилда қурилган. 1916 йилда музей биноси учун расмлар чизишга Американинг буюк rassоми Д.С. Саржент таклиф қилинган. Унинг асарлари бино ратондасини ва у билан боғланган тўпаланган галерияни босиб турибди. Кейинчалик бинонинг асосий қисмига янги бинолар қурилган: Декоратив санъат экспозицияси (1968), кўрғазмалардан ташқари кафе учун жой, ресторан ва сувинерлар магазини (1997 йил).

2005-2006 йилда музей биноси реконструкция қилинган, Америка санъати павильони қурилган. Лойиҳа муаллифи инглиз архитектори Норман Жостер.

Музей коллекциясида қадимги даврдан бошлаб ҳозирги кунгача бўлган тарихдан ҳикоя қилувчи экспонатлар бор. Қадимги давр ёдгорликлари коллекцияси дунёдаги энг тўлиқ коллекциялардан бири бўлиб фақат Қоҳирадаги Миср музейи коллекцияси билан тенглаша олади. Унинг йиллик тарихни ўз ичига олиб (мил.ав. 6500 й.мил.ав.600й.гача) Нубия, Миср, Яқин Шарқ, Кипр, Кичик Осиё, Қадимги Греция ва Қадимги Рим санъати акс эттиради. Экспонатлар орасида архитектура қопламалари намуналари, нумизматика коллекцияларида 8 минг та бор. Қадимги Миср коллекцияларида Қадимги Подшолик даври ёдгорликлари ҳайкаллар, саркофаглар, заргарлик буюмлари ва мумиялар бор. Европа санъати коллекцияси 24 минг экспонатлардан иборат бўлиб, АҚШдаги энг катта коллекция ҳисобланади. Музейда VII-XX аср европа рангтасвири санъати намунаари кўрсатилган бўлиб, голланд, инглиз, француз, италиян, испан рассомларининг 1600 дан ортиқ асарлари ўрин олган. Тициан, А.Дьюзер, Рембрандт, В.Ван Гог, Р.Гоген, О. Ренуар, З-Ф Милли, Э.Дега, Э.Мане асарлари шулар жумласидандир. Айниқса, XIX-XX аср франкуз рангтасвири тўлиқ акс эттирилган: барбизонлар, импрессионистлар, постимпрессионистлар, француз импрессионистлари Клод Мане картиналари 40 та расмни ўз ичига олади ва Париж коллекциясидан кейин иккинчи ўринда туради. Европа санъати фвқат рангтасвирлар билан эмас, балки фрескаар, ҳайкаллар, декоратив-амалий ашёлар (мебель, керамика, бадий ойнасозлик) архитектура элементлари билан кўрсатилган. Музей ўзининг ажойиб инглиз чинни ва кумуш буюмлари коллекцияси билан, француз декоратив амалий санъат намуналари билан машҳур. Коллекциянинг фаҳри-ўрта аср Европа ҳайкалтарошлик (Готика ва Роман услубида) санъати, Уйғониш давр санъати намуналаридир. Шунингдек, коллекцияда XVII аср ва XX аср боши ҳайкалтаришлиги намуналари ҳам мавжуд. Америка санъати асарлари

тўпламига Континент туб аҳолиси асарлари (шу жумладан майа хиндуларининг монахрам керамикаси), декоратив амалий санъат предметлари (мебель, кумуш, шиша идишлар ва бошқалар) ҳайкалтарошлик намуналари кирган. Осиё, Океания, Африка санъати асарлари коллекциясида 2250 дан ортиқ экспонат тўпланган. Тўпамнинг асосий қисмини Япониянинг рангтасвир, ҳайкалтаришлик ва декоратив амалий санъати, Япон откриткаларининг кенг коллекцияси билан кўрсатилган. У 20 минг нусхадан иборат.

Доимий экспозициялардан ташқари музейда махсус кўргазмалар ташкил этилади, турли тадбирлар: лекциялар, суҳбатлар, оилавий дастурлар, концертлар уюштирилади ва кинофильмлар намойиш этилади.

6. Чарлстон уй-музейи

Ванесса Белл биринчи марта Чарлстонга 1916 йилда келган ва у ерда тўрт йил яшаган. Кейинчалик у бу шаҳарга тез-тез келиб турган, фақат 1939 йилдагина у Чарлстонда яшаб қолди.

Ванесса Белл ва Дункан Грант Чарлстонда яшаган уй дарахтлар билан ўралган, доимо соя бўлиб турарди. Бу ерда унинг кичик қизи Ангжелика ўз болалигини ўтказган. Бу ерда рассомни набиралари келиб кўрган. Ванесса ўзи кўпдан бери орзу қилган нарсани, яъни яқинлари ва дўстлари орасидаги осуда ҳаётни топди.

Ванесса Белл ҳам, Дункан Грант ҳам уйдаги такрорланмас муҳитни яратиш учун тинмай ҳаракат қилганлар. Натижада бу ерда ҳар бир хона улар томонидан санъат асарига айлантирилган.

Чарлстон қишлоғи Луис шаҳридан узоқ бўлмаган Сессекс тепаликларининг тагида жойлашган. Уйга дарахтлардан иборат аллея орқали борилади. Бино XIXасрда қурилган бўлиб, баъзи бинолари XVI асрдан сақланган. Уй олдида катта кўл бор, кўлнинг нариги қирғоғида гуллар ва полиз бор. Бу уйни Беллга Вержиния Вулт тавсия қилади. Бу Белл учун жуда фойдали таклиф бўлади. 1916 йилда Ванесса ўғиллари Девид Гарнет ва

Дункан Грантни армияга юбормаслик учун уларни иш билан машғул қилишга қарор қилади. Шунинг учун ҳам Белл уйни жуда чиройли ва шинам деб топди ва уйни ижарага олди. Маҳаллий фермада ўғиллари Девид Гарнет ва Дункан Грант учун иш топди. 1916 йилнинг октябрида Ванесса ўғиллари билан Чарлстонга келди ва бу уйда яшай бошлади. Бу уйдаги ҳаёт сокин кечиши билан Лондондаги ҳаётдан фарқ қилар эди. Чарлстонда электр энергияси ҳам, водапровод ҳам, иситиш қувурлари ҳам йўқ эди. Лекин қишлоқ ҳаётининг ўзига хос афзалликлари ҳам бор эди. Шаҳар аҳолиси ярим оч ҳолатда яшаган бир вақтда, Чарлстонда озиқ-овқатдан камчилик йўқ эди, чунки, ҳамманинг ўз экинзори, ғоз ва товуклари, қуёнлари ва асалариси бор эди.

Ванесса ва Грант бу уйнинг мебелларини алмаштириб, деворларини безаганларидан сўнг, уйдаги муҳит Лондонникини эслатар эди. Энди дўстлари Чарлстонга тез-тез келиб турадиган бўлдилар. 1919 йилдан кейин бу уй Беллнинг Чарлстондаги дала ҳовлиси бўлиб қолди. Ёзда бу ерда доими қувноқ жамоа тўпланар эди. Улар бу ерда турли байрамларуюштирар эдилар. Эдуард Морган Форстер, Литтон Стречи, Клайв Фрей, Виржиния ва Леонард Вулф, Рожер Фрей бу ерда бошқаларга қараганда кўп бўшларди. Уй ёнида Рожер Фрей лойиҳалаштирган янги устахона қурилган. Ванесса Белл устахонаси уй ёнидаги мансардада эди.

1939 йилдан бошлаб Белл ва Грант Чарлстонда доимий яшаганлар. 1961 йилда бу уйда Ванесса вафот этган. Дункан Грант эса ўн етти йилдан сўнг вафот этган. Бу вақтга келибуй жуда эскириб кетган. Уйни рассомнинг ўғли Квентин Белл таъмирлаган. 1966 йилда уй-музей ўз эшикларини томошабинларга очди. Ҳозирги кунда музей томошабинларини 1950 йилдаги ҳолда кутиб олмоқда. Бу уйдаги ҳамма нарса эшиклар, деворлар, камин, пардалар, ойна ромлари Ванесса Белл ва Дункан Грант томонидан чизилган расмлар билан безатилган. Уйдаги барча мебеллар комиссиян магазиндан харид қилинган бўлиб, Белл ва Грант томонидан “Омеги” услубида безатилган. Бундан ташқари уйда антиквар нарсалар кўп бўлиб,

улар Стивенларнинг бир неча авлодига тегишли бўлган. Бу ерда “Блумсбери” гуруҳига яқин усталарнинг картиналари ҳам бор. Уйнинг ҳар бурчагида унинг хўжайинларининг индивидуалликлари сақланиб қолган. Чарлстонга келувчиларни Ванессанинг экинзори лол қолдиради, уни Рожер Фрей лойиҳалаштирган. У ерда сабзовотлар билан бирга гипсдан ишланган антик услубдаги ҳайкаллар бор. Ҳайкаллар муаллифи Квентин Белл.

1940 йилда ерискор Белл (фамилядош) дин ва санъатни яқинлаштириш мақсадида Ванесса Белл, Дункан Грант ва Квентин Беллга черковга расм чизиш учун мурожаат қилади. Черков Чарлстондан икки мил узоқдаги Бервик қишлоғида жойлашган эди. Рассомлар буюртмани дарҳол қабул қилишди ва ишга киришишди. Ванесса Белл “Блоговешание”, “Рождество” фрескаларни ишлади. Грант “Распятие” ва “Христос во славе” фрескаларни яратди. 1943 йилда расмлар тайёр бўлди ва дарҳол черков доирасидаги баҳсларга сабаб бўлди. Баъзи руҳонийлар епископ Беллнинг расмлар чиздириш борасидаги ишларини замонавийлик ва динни боғлаш учун бир восита деб қўлладилар. Вошқалари эса Бервик фрескаларини диний санъатдан узоқ деб ҳисобладилар. Лекин ҳаммадан ҳам маҳаллий аҳоли ҳаяжонда эди. Улар муқаддас ёзувларни бундай талқин қилишдан хавотирда эдилар. Шунини таъкидлаш керакки “Блумсбери” услуби черковга черковга унча тўғри келмас эди.

Хулоса

XV асрда «Буюк географик кашфиётлар» бошланади. Испан ва португал кемалари денгиз ва океан кенгликларида сузиб юриб, Африка, Осиё ва Америка томон йўл оча бошлади. Улар кашф қилинган ёки босиб олинган ҳудудларини ўз мустамлакаларига айлантира бошлашади. Америка қитъаси Христофор Колумб томонидан кашф этилади. Маҳаллий аҳоли ўз ерларидан сиқиб чиқарилиб, уларнинг ерларига европаликлар эга бўладилар. Босиб олинган жойларни ўз мустамлакаларига айлантирадилар. Шунингдек, бу ўлкаларга Европа маданияти ҳам кириб келади, яъни Европа андозаларига

мос тарзда университетлар, музейлар, мактаблар ва ҳоказолар ташкил этила бошлайди.

Илк Америка музейлари 1773 йили ташкил этилган бўлиб, ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бу тўғрида Чарлстон кутубхоначилиқ жамияти (Жанубий Каролина) маҳаллий газетага, музей лойиҳаларини ҳам кўрсатган ҳолда маълумот беради. Жанубий Каролина аҳолисининг ёрдами натижасида, музей коллекцияси тез орада табиий –илмий ва этнографик коллекциялар билан бойитилди. Тўпламларни ҳар куни томоша қилиш мумкин эди. Кириш тўлови 12 центдан 1 долларгача белгиланган эди.

1770 йили Чарлстон музейига ўхшаш яна 2 та музей ташкил этилади. Бири-Америка файласуфлар жамияти, иккинчиси Кутубхоначилиқ жамияти қошида барпо қилинади.

1782 йили шаҳарда кенг омма учун Нодир буюмлар Кабинети ёки Америка музейи, рассом Пьер Эжен дю Симитьер ташаббуси билан очилади. Унинг номини АҚШ музей энтузиастлари рўйхатида биринчилар қаторига қўйиш мумкин, лекин мамлакатнинг музейи сферасидаги ривожланишга рассом Чарльз Уилсон Пил (1741-1828) янада кўпроқ ҳисса қўшди. У ташкил этган Филадельфия музейига Америка тарихи арбоблари ва офицерларнинг портретлари намойиш этилган. Экспозиция доимо кенг омма учун очиқ бўлган. Бир куни экспозицияга табиий-илмий намуналар ҳам қўйилади. улар орасида мамонтнинг суяклари ҳам бор эди. Шунда томошабинлар сони кескин ортади ва Ч.Пилда, «табиатнинг ажойиб мўъжизалари»ни ҳам намойиш этиш кераклиги тўғрисидаги фикр пайдо бўлади. Бу орзусини у амалга оширади.

Чарльз Пил табиий-илмий намуналарни ёрдамчи материаллар орқали янгича услубда намойиш этади. Масалан, ўрдакларни сувда сузиб кетаётган тарзда (сув ўрнига ойна қўйилади), қушларни дарахтда ўтирган ҳолатда ёки учиб кетаётгандек қилиб осиб қўяди, судралиб юрувчилар ғорларда тасвирланади. Бундай экспозицион комплексларни кейинчалик «биогуруҳ»

деб атай бошлашади. Пилнинг экспозиция тузишдаги янгича услуби жахоннинг кўплаб табиат ва ўлкашунослик музейларида қўлланилади.

Пилнинг Филадельфия ва Америка музейлари, Америка қўшма штатларининг энг машҳур музейлари ҳисобланади. Кейинчалик Чарльз Уилсон Пил музейининг филиалларини Балтимор ва Нью Йоркда очади, уларни унинг ўғиллари бошқаради.

Балтимордаги музей 1814 йилда қурилади ва бу бино музей учун мўлжалланган биринчи бино ҳисобланади.

1845 йилда Балтимор ва Нью-Йоркдаги музейлар инкирозга учрайди. Американинг Миллий музейи химик Дж.Смитсоннинг шахсий маблағига ташкил қилинади (1765-1829).

XX асрда Смитсонлар институти қошида бадиий музейлар ташкил қилинади. 1904 йилда Фрирнинг галереяси очилади. Молия вазири Э.Меллон 1941 йилда Смитсонлар институтига ўзининг тасвирий санъат коллекцияларини беради ва қурилиш учун маблағ ажратади. Коллекционерлардан С.Кресс, Д. Уайденер ва Ч.Дейл ҳам Миллий галереяни ўз коллекциялари билан бойитади. Бу галереяда Европа ва Америка тасвирий санъати, графика ҳайкалтарошлик, Италия тасвирий санъати асарлари сақланади.

1870 йилда Америка музейлари қурилишида Янги саҳифа очилди. Булардан Метрополитен музейи Нью-Йоркда (1870), Нафис санъат музейи (1876), Чикаго санъат институти (1879) очилди.

Бу музейлардан Метрополитен музейи катталиги, коллекциялари билан Лувр ва Эрмитаж музейлари қаторида туради. Бу музейда тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик коллекциялари, гравюралар, нумизматика, фотография, архитектура моделлари, тарихий шахсларнинг портретлари ва бошқа коллекциялар мавжуд.

1871 йилда музей Франция, Бельгия коллекционерларидан 174 та картина сотиб олди. Музейнинг асосий биноси 1880 йилда очилди (қурилди).

Метрополитен музейини коллекционер Бенжамен Олтман тасвирий санъат шедеврларидан Рембрандт, Вермеер, Дюрер, Тициан, Веласкесларнинг асарлари, ҳайкалтарошлик намуналари, шарқ гиламлари, хитой фарфори билан бойитади. 1929 йилда Генри Хевемеернинг беваси Луиза, музейга ноёб тўпламини беради. Булардан асосийси Рубенс, Веронезе Кранах, Эль Греко, Гойя асарларидир.

XIX асрга келиб миллий музейлар Морреалда, Оттавада Канадада очилди. Қирол музейи Онтарио (1912) ташкил қилинди.

Хулоса қилиб айтганда, машҳур француз музеологи Ж.Базенни таъкидлашича, музейлар тарихини ёзиш учун иккита нарсани тушинтира олиш керак: биринчиси - музейлар концепцияси, иккинчиси - замон концепцияси.

Музейлар ўзларининг илк пайдо бўлган кунидан бошлаб ўз замонасини акс эттирган, ўз замонасининг талаб эҳтиёжларини ифода қилган, қисқа қилиб айтсак замон кўзгуси бўлган.

Ўз илдизига қараб интилиш, ўзини ўзи англаш учун қизиқиш уйғониши, инсониятга хос бир фазилатдир. Музейларни пайдо бўлишига инсониятдаги ана шу хусусият энг олий сабаблардан биридир.

Олдинлари фақат маълум бир шахслар учун хизмат қилган музейлар, аста-секин, оммавийлашиб борди ва жамият маданиятининг ажралмас бир қисмига айланди.

Европадан ташқари, бошқа мамлакатларда коллекциянерлар кўп бўлишига қарамай, уларда музей тушунчаси бўлмаган. Узоқ тарихни эсласак, Александр Македонский босиб олган ҳудудларда музейлар пайдо бўлган. Музейлар ташкил қилиш ғояси бутун мамлакатларга ёйилган. Антиквар нарсалар ҳукуматнинг маънавий бойлиги, ғурури ҳисобланган. Хатто Ўрта Осиё хонларигача бу удум етиб келган. Аммо ўзлари ташкил қилган ноёб буюмлар сақланаётган хонани музей деб аташмаган. Ўзларининг маданий ёдгорликларини асраш, уларни келгуси авлодларага етказиш хис-туйғулари ер юзининг ҳамма миллатларида бўлган. Фақат Европа маданияти бутун

дунёни қамраб олгандагина, Ер шарининг бошқа жойларида ҳам музейлар пайдо бўла бошлаган.

Ўз маданий меросини асраб, кейинги авлодларага етказиш услуби фақат музейлар орқали амалга ошишини тушуниб етган ноевропа халқлари музейшуносликка жиддий эътибор бера бошлашди. Натижада бу борада катта муваффақиятларга эришдилар.